Тараққиётимизнинг янги босқичи: асосий йўналишлар ва вазифалар

*Жамиятда адолат қарор топиши кўп жиҳатдан судлар фаолиятига боғлиқ. Ҳукм чиқариш ҳуқуқига эга ягона муассаса бўлган суднинг ҳар томонлама мустақил ва одиллиги жамиятда қонун устуворлигини ўрнатиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдек ўта муҳим вазифани бажаришда асосий омил бўлади.*

# МУСТАҚИЛ СУД — АДОЛАТ ГАРОВИ

Мамлакатимизда бу борада салмоқли ишлар амалга оширилаётир. Адолатли ва фаровон фуқаролик жамияти қуришнинг асоси айнан шу соҳадаги ижобий ўзгаришларга боғлиқлигини Президентимиз кўп бора таъкидлаган. Хусусан, Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари жамиятимизни демократлаштириш ҳамда янгилаш йўлидаги ҳаракатларимизни янги босқичга кўтариш ҳақида гапириб, бу йўлдаги устувор йўналишлардан бири — суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилиш бўйича бошланган ишларни изчил давом эттириш зарурлигига алоҳида урғу бериб ўтди.

Дарҳақиқат, қонун устуворлигини таъминлашнинг мезонларидан бири суднинг ҳақиқий мустақиллигига эришишдан иборатдир. Президентимиз таъбири билан айтганда, қаерда суд мустақил бўлмас экан, ўша ерда қонун талаблари ва адолат бузилиши муқаррар. Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг пировард натижаси шундай ҳолатларга чек қўйилишига олиб келиши лозим.

Хўш, бу ислоҳотлар нимада кўринмоқда? Айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига биноан судлар ихтисослашувининг жорий этилиши, яъни умумий юрисдикцияли судларнинг фуқаролик ва жиноят ишларини кўриб чиқадиган судларга ажратилиши суд тизимини ислоҳ қилишдаги жиддий қадам бўлди. Бу, албатта, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимояси кафолатланишини янада кучайтирди. Судларда ишларнинг сифатли ва ўз вақтида кўриб чиқилишини тўлароқ таъминламоқда. Шунингдек, ишларни кўришда йўл қўйиладиган хатоларни, фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари бузилишига сабаб бўлаётган объектив ҳолатларни бартараф қилмоқда. Бир сўз билан айтганда, судларнинг ихтисослашуви ҳозирданоқ ўз самарасини бера бошлади.

Мамлакатимиз қонунчилиги тарихида илк маротаба умумий юрисдикция судларида ҳам суд қарорлари ва ҳукмларининг қонунийлигини кўриб чиқувчи энг муҳим институтлардан бири — ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши жорий этилди. Бундай институт халқаро амалиётда синовдан ўтган. Ишларнинг апелляция тартибида кўриб чиқилиши юқори суд инстанциясига далилларни бевосита текшириб чиқиш ва ишнинг моҳияти бўйича қарор қабул қилиш имконини беради. Бу эса фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясининг кафолатларини анча кучайтиради. Суд ишларини юритиш самарадорлиги ва тезкорлигини оширади, давлат маблағларининг тежалишига олиб келади.

Президентимиз томонидан Судьяларни тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқиш комиссияси тузилиши судларда муносиб кадрлар ишлаши сари қўйилган жиддий қадамдир. Зеро, судьяларни тайинлаш ишларини янада такомиллаштириш, судьяликка олий малакали, чуқур билимли ва юксак маънавиятли мутахассислар номзодларини тавсия этишда қонунчилик талабларига риоя қилишда мазкур комиссиянинг ўз ўрни бор. Бу комиссия кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Судьяларни танлаш ва лавозимларга тавсия этиш бўйича Олий малака комиссиясига айлантирилди. Судьялик лавозимига номзодларни танлаш тамойили тубдан ислоҳ қилингани муҳим аҳамиятга молик воқеа бўлди. Эндиликда бундай танлов қатъий равишда фақат судьялар захираси (резерви) ҳисобидан ва муқобиллик асосида амалга оширилмоқда.

Судьяларнинг мустақиллигига эришиш, судлар фаолиятини ташкилий, моддий-техник ва маблағ билан таъминлаш масалаларини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 сентябрдаги қарорига биноан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузурида махсус ваколатли орган — Суд қарорларининг ижро этилиши, судлар фаолиятини моддий-техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш департаменти ва унинг жойлардаги бўлинмалари ташкил этилди. Департаментнинг ташкил қилиниши суд тизимини ислоҳ қилишга катта ҳисса қўшган тадбирлардан бири бўлди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессияси суд-ҳуқуқ ислоҳотида янги босқич бўлди.

Давлатимиз раҳбарининг ўша сессиядаги маърузаси тўла суд-ҳуқуқ масалалари, соҳадаги ислоҳотларга бағишланган эди. Унда жазо чораларининг либераллаштирилишга алоҳида эътибор қаратилганди. Маърузада Президентимиз суд-ҳуқуқ тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш билан бирга судланувчиларга ўта оғир жазо тайинланишини қоралаганди. Зеро, жазо тайинлашдан мақсад жиноят содир этган шахсга азоб бериш эмас, балки уни қайта тарбиялашдир. Токи судланган шахс ҳар қандай қонунбузарликка жазо муқаррарлигини англаб етсин ва келажакда бундай номақбул ишларга қайта қўл урмасин.

Ушбу сессияда парламент Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунчилик ташаббуси тартибида тақдим қилинган “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Лойиҳа Олий Мажлис депутатлари томонидан катта қизиқиш билан муҳокама этилиб, қабул қилинди.

Айнан ушбу Қонун ижтимоий хавфи унча катта бўлмаган жиноятларни содир этган шахсларга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо чораларини қўллаш, иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан жазо тайинлашда иқтисодий таъсир чораларидан фойдаланиш имкониятини яратди. Унинг жамиятимизда соғлом муҳит вужудга келишидаги аҳамияти жуда каттадир. Зеро, у жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратмаган ҳолда тарбиялаш имконини беради. Бу эса жиноятнинг олдини олишда нисбатан самарали эканини ривожланган мамлакатлар тажрибаси кўрсатиб турибди.

Бу Қонунни ҳеч қандай муболағасиз тарихий ҳужжат деб аташ мумкин. Чунки у орқали амалдаги қонунларга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар мамлакатнинг жиноят ва жиноят-процессуал қонунлари инсонпарварлик ғоялари асосида чуқур ислоҳ қилинганлигидан далолат беради. Жиноий жазоларни либераллаштирилишининг натижасини ҳамма кўриб турибди. Халқимиз унинг адолат ўрнатиш борасидаги катта қадамлигини таъкидламоқда.

Юқоридагилар мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислоҳоти борасида охирги йилларда амалга оширилган ишларнинг бир қисми, холос.

Бундан кейин ишларни давом эттириш, айниқса, юридик-ҳуқуқий меъёрларни янада эркинлаштириш, уларни янгилаш, суд органлари фаолиятининг ташкилий шаклларини такомиллаштириш борасида кўп ишлар қилишимиз керак.

Шу сабабли Ислом Каримовнинг иккинчи чақириқ Олий Мажлиснинг тўққизинчи сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифаларни амалга оширишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистонда демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш масалалари бўйича Олий Мажлис комиссияси тузилди. Мазкур комиссия ҳузурида суд-ҳуқуқ ислоҳоти масалалари бўйича ҳам махсус кичик комиссия ташкил этилди.

Бу кичик комиссия таркибига етук олимлар, мутахассислар, суд идораларининг раҳбарлари киритилган бўлиб, ҳозир суд-ҳуқуқ ислоҳоти борасида амалга оширилиши лозим бўлган ишларнинг концепцияси лойиҳасини тайёрлашга доир ишлар давом этмоқда.

Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар, юридик соҳадаги илмий ва ўқув муассасалари, нодавлат ташкилотлар, соҳа мутахассисларидан ушбу концепция лойиҳасини янада такомиллаштириш юзасидан таклиф ва мулоҳазалар олинмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан давом этадиган жараён. Бу соҳа доимий ислоҳотларни талаб этади. Ўйлайманки, ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида асосий эътибор жазоларни янада либераллаштиришга, яъни қамоқ жазоси қўллашни камайтириш, иқтисодий жазо чоралари қўллашни кенгайтириш, тергов ва суд жараёнларини ихчамлаштириш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклашга қаратилган ҳаракатлар устидан шикоят қилиш тартибини такомиллаштириш, ярашув тўғрисидаги ишлар доирасини кенгайтириш имкониятларини кўриб чиқиш, адвокатлар ролини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа чораларни кўришга қаратилади.

Судларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, фуқароларнинг суд орқали ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш доирасини кенгайтириш учун амалдаги қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш орқали уларни такомиллаштириш лозим бўлади. Бу масалалар ислоҳотларда, албатта, ўз ифодасини топади.

**Нуриддин ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси (ЎзА).**

Шаҳрисабзнинг 2700 йиллиги олдидан



# Ойнадай ярақлайди

Вазирлар Маҳкамасининг «Шаҳрисабз шаҳрининг 2700 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш тўғрисида»ги қарорида шаҳар марказига элтувчи ва айланма йўлни кенгайтириш алоҳида таъкидланган. Шунга мувофиқ тадбирлар белгиланган. Шаҳрисабз шаҳридаги «Ипак йўли», Т.Баҳодир. Шерозий, Ғ. Ғулом, Ф. Хўжаев, О. Раҳимов номли, Зингирон, Санги Охир кўчаларига асфальт ётқизиш ва ободонлаштириш, Саъдий кўчасини айланма йўлга туташтириш кўзда тутилган.

— Йўлсозларимиз бу ишга ниҳоятда жиддий киришдилар, — дейди. «Қашқадарёавтойўл» бирлашмаси раиси Қурбон Панжиев. — Чунки шаҳрингизга ким келса, биринчи навбатда кўча ва йўлга қарайди. У теп-текис бўлиб, ойнадай ярақлаб турса, баҳри дили очилади. Ободончилик ҳам аслида йўлдан бошланади-да. Шунинг учун «Шаҳрисабз ободончилиги» очиқ ҳиссадорлик жамияти, Шаҳрисабз туман автомобиль йўллари бошқармаси, Танҳоз автомобиль йўллари бўлими, Китоб тумани автомобиль йўллари бошқармаси қурувчилари бу ишга жалб этилди. Қарорга кўра 9 та кўчада таъмирлаш ишлари бажарилиши ва 13,3 километр йўлга қайтадан қоплама ётқизилиши ҳамда 770 миллион сўм сарфланиши лозим эди. Айни пайтда бу ишлар ниҳоясига етай деб қолди. Таъмирлаш ишлари учун 14631 тонна қайноқ асфальт қоришмаси ишлатилди.

— Энг муҳим жиҳати, — дея суҳбатга қўшилади Шаҳрисабз туман автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Аҳадулла Остонов, — кўча ва йўлларга асфальт ётқизиш ишлари жаҳон андозаларига мувофиқ тарзда бажарилмоқда. Ихтиёримизда хорижидан келтирилган «Фогель» каби ноёб техника воситалари бор.

— Шаҳар ичидаги 7,5 километрли кўчани ва ҳалқа йўлнинг 2,5 километрини асфальт қилдик, — дейди «Шаҳрисабз ободончилиги» очиқ ҳиссадорлик жамияти иш юритувчиси Акрам Турсунов. — Кўряпсиз, йўлчиларимиз ишининг сифатига гап йўқ.

Унинг гапларини тинглай туриб хаёлдан Шаҳрисабзга келган меҳмонлардан бири айтган гап ўтди. «Ой ёруғида Шаҳрисабз кўчалари ойнадай ярақларкан, айниқса, айланма йўл дарёдай оқариб кўринаркан», — деган эди у. Ҳақиқатан ҳам, шундай.

— Бу бежиз эмас, — дейди Шаҳрисабз тумани автомобиль йўллари бошқармаси бошлиғи Аҳадулла Остонов. — Бирлашмамиз республика йўлсозлари ўртасида яхши ном қозонган. Сабаби вилоятимизда йўл қуриш, асфальт ётқизиш борасида катта ишлар қилинмоқда. Амалиётга кўплаб янгиликлар, ихтиролар жорий қилинган.

Йўлларимиз энг замонавий хорижий техника ва технологиялар асосида барпо этилмоқда. Бунда албатта, бирлашмамизнинг раиси, Олий Мажлис депутати Қурбон Панжиевнинг хизмати катта.

Бу гапларнинг қанчалик тўғрилигини Шаҳрисабзга қадам қўйган киши дарҳол билиб олади. Таиланддан келган сайёҳлар билан шу ҳақда гаплашиб, фикрини сўраганимизда улар бош бармоғини кўрсатиб, «О, кэй», дейишди мамнунлик билан.

Шаҳрисабз кўчалари ва йўлларидан бир юрган кишининг яна юргиси, қадим шаҳарни тонгдан то шомгача эринмай айланиб чиққиси келади. Бу, йўлчиларнинг ўз ишини қойиллатиб бажаришаётганидан. Бундай йўлчиларни эл доим алқаши, шаънига яхши сўзлар айтиши аниқ. Айниқса, қутлуғ тўй олдида турган шаҳар аҳли. Кўча ҳам, йўл ҳам ойнадай ярақлаб, дарёдай оқариб, Кешнинг ҳуснига ҳусн қўшаётганлиги уларга бир олам қувонч бахш этмоқда. Бу эса катта гапдир.

**Нарзулла РАВШАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: Қурбон Панжиев ишчи Аҳрор Турсунов билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

## Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

*Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 8 октябрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*/*

| | |
|---|---|
| 1 Австралия доллари | 456,09 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1299,45 |
| 1 Дания кронаси | 109,50 |
| 1 БАА дирхами | 226,32 |
| 1 АҚШ доллари | 831,22 |
| 1 Миср фунти | 181,69 |
| 1 Исландия кронаси | 9,57 |
| 1 Канада доллари | 522,62 |
| 1 Хитой юани | 100,42 |
| 1 Малайзия ринггити | 218,77 |
| 1 Польша злотийси | 201,75 |
| 1 СДР | 1099,22 |
| 1000 Туркия лираси | 0,51 |
| 1 Швейцария франки | 556,56 |
| 1 ЕВРО | 813,10 |
| 10 Жанубий Корея вони | 6,73 |
| 10 Япония иенаси | 67,31 |
| 1 Россия рубли | 26,24 |
| 1 Украина гривнаси | 155,97 |

**/ Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.*

## «ПОЛВОН» ЁШЛАРГА ҚУЧОҚ ОЧДИ

Жондор туманининг Маҳмуд Торобий номидаги ширкат хўжалигида “Полвон” спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Ушбу мажмуада ёшлар миллий кураш, стол тенниси, шахмат-шашка, оғир атлетика ва спортнинг бошқа турлари билан мунтазам шуғулланиш имконига эга.

Янги спорт мажмуининг очилиш маросимида Соғлом авлод давлат дастури асосида вилоятда спортнинг барча турларини ривожлантиришга мунтазам эътибор берилаётгани, бу борада етарли шароитлар яратилаётгани таъкидланди. Спорт мажмуи ёшларнинг севимли даргоҳига айланиб қолажагига ишонч билдирилди.

Маросимда Бухоро вилояти ҳокими С.Ҳусенов иштирок этди.

**Илҳом САФАР,**
**ЎзА мухбири.**

«Қариялар — эл фахри, юрт ифтихори» танловига



*Ҳаётда ғалати воқеалар кўп бўлади. Масалан, олти-етти яшар боланинг оғзидан катталарниям ўйлантириб қўядиган гап чиқиб кетса, «Ё, тавба, худди катта одамни ёш бола қилиб қўйгандай-а!» деб ҳайратланади киши. Ёки, аксинча, ёши саксонга яқинлашиб қолган оқсоқолда йигирма беш-ўттиз ёшлардаги йигитларнинг ғайрат-шижоатини кўрсангиз, «Бу отахон оқсоқолми ёки кучғайратга тўлиб-тошган навқирон йигитми?», деб ўйлашингиз мумкин.*

# Фермер Каримжон ота

Фарғона шаҳрининг шундоқ ёнидаги Бешбола қишлоғидан туриб, бўй-бастини бутун водийга кўрсата олган машҳур сабзавоткор Каримжон ҳожи Абдураҳимов ҳам ғайрат-шижоат, топқирлик, иймон-диёнатни бой бермайман, деган қариялардан.

Кўпинча иш биладиган, чинакам деҳқонлар ҳақида гап кетса. Ҳа, фалончими, у шудгорда туғилган деб, таъриф берилади. Каримжон ота шудгорда туғилмаган бўлса ҳам, суяги далада қотганлардан. У ўн-ўн бир яшар чоғларида онаси Ризвоной опа билан Катта Фарғона канали қурилишида қатнашди. Курувчиларга сув ташиди, чой қайнатди, баҳоли қудрат тупроқ ташиди. Колхозда аравакашлик қилди. Лекин «бричка» деб аталадиган арава ҳайдашдан кетмон чопишни хуш кўрарди. Энди ўн олтига кирган йигитча колхознинг зўр кетмончиси, сувчисига айланди.

Худди ўша кетмон уни кимсан рекордчи сабзавоткор Карим акага айлантирди. Ўтган асрнинг саксонинчи йиллари бошида эса, уни «Карам академиги» деб атай бошладилар. Майли, бу ҳақда кейинроқ...

Шундай қилиб, Бешболадаги дўппидеккина колхознинг собиқ аравакаши қўлига салкам ярим пудлик кетмонни олди. Қиш палласида ерларга яхоб берди, баҳорда чигит экди, ғўза чопди, пахтазорга сув таради. Унинг ишлари пухта, пишиқ, гаплари мағизли эди. Шу сабабдан бўлса керак, бригадир этиб тайинлашди.

Эллигинчи йилларнинг бошларида уларнинг колхози сабзавотчиликка ихтисослаштирилди. Пахтачиликда режаларни бажариб юрган ёш бригадир сабзавотчиликда ҳам «очилиб» кетди. У ўша пайтларда унча-мунча ҳамкасбларининг хаёлига ҳам келмаган муҳим иш —уруғ танлашга, ерларни маҳаллий ўғитга обдон тўйдиришга эришгани учун карам, помидор сингари экинлардан ҳайратомуз хирмон кўтара бошлади. Газеталарда, радиоларда мақталди. Бироқ иш деганда ўзиниям аямайдиган, бошқаларни ҳам тинч қўймайдиган, ҳақгўй ва дангалчи Каримжон ака бировга ёқса, бировга ёқмади.

Шу ўринда бир мисолни келтириб ўтсак. Етмишинчи йиллар эди. Каримжон ака ўз ҳудудидаги ер четларига уч юзтами-тўрт юзтами терак кўчати экди. Бош агроном буни кўриб қолиб «нега бундай қилдингиз? Ким сизга рухсат берди?» деб роса дўқ урди. Эртасига хўжалик раҳбарини бошлаб келди. Раис унга «Экканларингизни кўз олдимда юлиб ташланг!» деб буюрди. «5-6 йилдан кейин шу кўчатлар буюм бўлиб қолади. Одамларингиз уй солади, тўй қилади...» деди бригадир. Лекин хўжалик раҳбари бу гапларга қулоқ солмади. Икки куннинг нарёғида экилган кўчатларни юлиб, дуч келган томонга улоқтириб, тўнғиллади: «Эртага бунинг соясида ҳосил битадими? Менга терак эмас, пахта керак!»

Ҳайтовур, саксонинчи йиллар бошларида звено пудрати чиқиб, деҳқонга бироз енгиллик туғилгандай бўлди. Замирида моддий манфаатдорлик «йилт» этиб кўринган, энг муҳими, юқорининг ҳар хил ҳархашаларидан бироз холига ўхшаш бу усул Каримжон акага маъқул бўлди. Ўзи ва оила аъзолари учун ажратилган уч ярим гектар ерга бор меҳрини берди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, шу ернинг ҳар гектарига 70-80 тоннадан маҳаллий ўғит солдириб, элак-элак қилиб ҳайдатди. Уруғ танлашнинг ҳадисини олган эмасми, ерларга энг сара карам, помидор, сабзи, пиёз, лавлаги уруғларини ўзи билган фурсатларда экди. Ҳосил дегани бўлиб берди. Пишиқчилик вақтида, аниқроғи, ноябрнинг ўрталарида Бешболада қизиқ гап тарқалди.

— Карим аканинг даласида шунақанги карам битибдики, азбаройи катталигидан уни узиб олишолмаётган экан.

— Йўғ-е, лоф бўлса керак.

— Лоф эмас, бориб кўринглар.

Бу гап район раҳбарлари қулоғига ҳам етгач, улар ғизиллаб етиб келишди.

— Қойил, — дейишди улар улкан карамлар атрофида айланишиб, — декабрда «Ҳосил байрами» бўлади. Кўргазма қилиб кўрсатамиз.

Ва шундай қилишди ҳам. Ўн минглаб одамлар йиғилган. «Отчопар»даги кўргазмада эртадан-кечгача Карим аканинг 22 килограммлик улкан карамлари олдидан одам аримади, деҳқон шаънига олқишлар ёғилди. Энг муҳими, бир меҳмон унга ўзини таништириб, шундай деди: «Мен карам бўйича селекционер академик Фалончиевман. Лекин сиз шудгорда юриб, бу соҳа бўйича мендан илгарилаб кетган академик экансиз. Яшанг!»

Шу-шу, Фарғона томонларда Карим акани академик, деб атайдиган бўлишди. Бу гап республиканинг ўша пайтлардаги раҳбарларининг ҳам қулоғига етиб борган экан. Ўша йили республика илғорларининг қурултойида Карим ака ҳам қатнашди. Табиийки, бу катта йиғилишда фарғоналик миришкорга ҳам сўз берилди. Карим ака юксак минбардан туриб, звеноси гектаридан 1000 центнердан карам ҳосили олганини айтди.

— Шу гапларингизни яна бир такрорланг! — сўрашди ҳайъатдан.

Миришкор деҳқон ўша гапини яна қайтарди. Ана қарсаг-у, мана қарсак...

Лекин олқишу қарсаклар билан сиқув, ғаламисона гап-сўзлар ёнма-ён юришини бу соддадил, ҳалол инсон қаёқдан билибди? Эмишки, Карим ака кимлар биландир келишиб, экин майдонини кенгайтириб олган, бўлмаса, рекорд ҳосилга йўл бўлсин. Унча-мунча бошлиқлар бу гапга ишониб, Карим аканинг ерларини текшира бошлашди. Текширувчи устига текширувчи келиб, унинг далаларини узунаси ва энига қадамма-қадам ўлчашди. Ер резина эмас эканки, чўзилса ёки қисқартирилса. Комиссиялар ҳар гал мулзам бўлишарди. Карим ака эса, хотиржамлик билан дерди:

— Ерни-ку ўлчадиларинг, ортиқ-ками йўқ. Энди, укаларим, тупроқ таркибини, унинг тўйимлилигиниям бир ўлчаб кўринглар. Ахир, бўш қоп тик турмайди-ку? Ахир, ер ҳам одамга ўхшайди, тўқ бўлса, яхши ишлайди.

Миришкор ҳақ гапни айтганди. Кузакда ҳайдов олдидан далаларига қарийб 500 тонна маҳаллий ўғит солиб, ҳайдатган эди. Йиллар ўтаверди, Карим ака ўз рекордларини қайтараверди. Звено пудратчиларига ҳақ тўлашда ғирромликлар юз бериб, унча-мунча пудратчилар бу ишдан қўл силтаб кетишганда ҳам, унинг руҳи тушмади. Катта-кичик йиғилишларда «Бу бедодликка чек қўювчи борми ўзи?» дея дангал гапириб, ҳақ сўзи учун балоларгаям қолди, ўша пайтларда?»

— Истиқлолимиздан ўргилай! — дейди бугун саксон ёшга яқинлашиб қолган отахон. — Бундоқ ўйлаб қарасам, мен яшайдиган, мен ишлайдиган замон энди келибди. Лекин пешонада бор экан, манавига таяниб қолдим-да, — дейди қўлидаги ялтироқ ҳассани кўрсатиб.

Каримжон отанинг деҳқончиликдаги фалсафаси ҳам, тутуми ҳам мана шунақа. «Каримжон ота» деҳқон-фермер хўжалигида унинг нечта фарзандлари, келинларию невaралари меҳнат қилишаётган бўлса, уларнинг ҳаммаси ўз оталари кўргазма ва йўриқлари билан иш тутади. Отанинг темир ҳассаси 4,5 гектарли хилма-хил экин майдонларининг гоҳ у бошида, гоҳ бу бошида ялт-юлт этиб кўриниб қолади. Номдор сабзавоткор ҳамиша далада, ўзига ўхшаш меҳнаткаш ўтли-шудли фарзандлари орасида.

Бу йил ҳам «Карим ҳожи ота» фермер хўжалиги далаларида ҳосил мўл бўлди. Августнинг биринчи ўн кунлигида пайкалларда ажойиб манзарани кўрдик. Битта эгатнинг ўзида икки хил ҳосил битибди. Битта жўякнинг тепа қисмида помидорлар қизариб пишиб ётибди. Шу жўякнинг чап ёнбошида эса, кечки карам ҳосили тугяпти. Нариги пайкалдаги бўлиқ маккажўхори даласида ҳам айни шу манзара сал бошқачароқ такрорланади. Бир жўякда макка, иккинчи жўякда помидор. Помидор маккажўхори соясида яхши ҳосил беришини Карим ота далаларида кўриш мумкин.

— Ер билан тиллашган одам уни ўз йўриғига юрғизади, — дейди отахон.

Отанинг айни шу тажрибасини қўллаш учун унинг тўрт ярим гектарлик «лаборатория»сига келувчилар кўп бўлди. Лекин, афсуски, кўпчилик бу тажрибага амал қила олмади. Сабаби — меҳнати қаттиқ. Бу машаққатга тоб берувчилар кам. Машаққат деганимиз — бу ҳар гектар майдонга кузги ҳайдовдан олдин 35-40 тоннадан маҳаллий ўғит солиш, сара уруғ танлаш, уни ўз вақтида экиш, бир пайтнинг ўзида битта жўякдан икки хил экин ўстириш.... Бу осон бўптими!

Отанинг ер майдони айланасидаги теракларнинг етилганлари кесиб олиняпти. Одамнинг белидек келадиганлариям бор.

— Яхшиямки, буларниям суғуриб ташлашмаяпти, — деймиз отага юлиб ташланган кўчатлар воқеасини эслатиб.

— Унақа зўпидинларнинг вақти ўтиб кетганига ўн бир йил бўлаяпти. — дейди ота. — Ислом акамиз «Ҳов, биродарлар, терак экинглар» деган гапни айтганларида, биласизми, хурсанд бўлганимдан кўзларимдан ёш чиқиб кетганди. Шу йилиёқ ерларим атрофини айлантириб терак экдирдим. Ғайратим қўзиб кетган экан шекилли, ундан бирор километр наридаги ташландиқ ерларни ҳам ростлаб, 2000 туп терак ўтқаздим. Олди ёғоч бўлиб қолди. Бу ҳам савоб, ҳам даромад, шу ишлар ҳам Юртбошимиз шарофати билан боғлиқ.

Кекса фермер айни кунларда Бешбола қишлоғининг қоқ ўртасида маҳобатли дўкон қурдираяпти. Отахон барпо этган қассобхона, новвойхона хизматидан аҳоли мамнун. Яқин орада бироз ер қўшилса, қорамоллар сонини янада кўпайтириш, аҳолига сотаётган чорва маҳсулотлари миқдорини ҳам ошириш ниятида. Ана шунда «Карим ҳожи ота» фермер хўжалигида ишловчилар сони 30-40 нафарга етади.

Ҳа, Каримжон ота дала учун, меҳнат учун туғилган эканми, ишқилиб, даладан бери келмайди. Хаёлимизда ота хиргойи қилиб, дала кезиб юрибди:

*Дафтар далам, кетмон*
*қалам, деҳқониман-деҳқони,*
*Авлодларим ушалмаган*
*армониман-армони.*
*Меҳнат билан кулди бахтим,*
*бўлдим деҳқон сардори.*
*Сиз ҳам бўлинг сафдошларим,*
*Озод юрт Ифтихори.*

Ҳа, тинчлик, омонликда меҳнат қилиш бахти насиб этганига не етсин! Бир неча йилдан буён отахон ўғиллари Умаржон, Олимжон, Раҳимжон, Рустамжон, Аминжонлар билан бирга деҳқончиликнинг янгидан-янги қирраларини очиш йўлида фидойилик билан изланиб келмоқдалар. Шу боис ҳам қаҳрамонимиз ҳамон дарғалар карвонида сарбон. Натижани қаранг: фақат сабзавотчиликдан 2000 йилда 92 тонна, 2001 йилда 98 тонна, 2002 йилнинг 8 ойида 120 тонна хирмон кўтариб, салкам 13 миллион сўм даромад олди. Унинг қарийб 8 миллион 430 минг сўми соф фойдадир.

Биз эса «Эл маъмурчилиги йўлидаги хайрли ишларингизда Яратганнинг ўзи ёр бўлсин, шаштингиз сира пасаймасин, отахон!» деймиз.

**Йўлдош СУЛАЙМОН,**
**Охунжон ҲАКИМОВ,**
**Омонжон ҲОШИМОВ.**
**Фарғона вилояти.**

## Вилоятда биринчи

Чиноз туманидаги “Эшонобод” ширкат хўжалиги пахтакорлари пойтахт вилоятида биринчи бўлиб пахта тайёрлаш бўйича йиллик шартнома режасини бажардилар. Мавжуд экин майдонларининг ҳар гектаридан 28 цетнердан хомашё йиғиштириб олиниб, қайта ишлаш корхоналарига 950 тоннадан ортиқ «оқ олтин» сотилди. Топшириқ тўққиз иш кунида уддаланди.

Терилган ҳосил учун ўз вақтида пул бериб борилганлиги, тушлик овқат далада ташкил қилинганлиги, мавсум иштирокчиларига барча шарт-шароит яратилганлиги терим суръатини ошириш ва режани қисқа муддатда уддалаш имконини берди.

Газетада босилмади, аммо...

# ШИКОЯТ ЎРИНЛИ, АЙБДОРЛАР ЖАЗОЛАНДИ

### Таҳририятга хат

2000 йил ёзи арафасида Деновда янги АТС ишга тушди. Шу муносабат билан туман алоқа тармоғи корхонаси ҳар бир мижоздан 1130 сўмдан пул йиғиб олди. Айтилган маблағни мен ҳам вақтида тўладим. Бироқ азалдан фойдаланиб келган телефоним ўша йил 16 майдан эътиборан роппа-роса беш ой-у бир ҳафта ишламади. 22 октябрга келганда эса, “8” рақами орқали бошқа шаҳарларга чиқиш мумкин бўлган телефонимни ҳе йўқ-бе йўқ фақат ички сўзлашув имконига эга рақамлиси билан алмаштириб улаб қўйишди. Салкам уч ойлик елиб-югуришларимдан сўнг алоқачилар хатоларини тузатишди. Тузатишди-ю, икки кун ўтар-ўтмас, аппаратимни батамом ўчиришди. Сабабини сўраб боргандим, қўлимга гўёки шаҳарлараро сўзлашганим учун ўн минг сўмга яқин хизмат ҳақи тўлашим лозимлиги битилган патта қоғозини тутқазишди. Таажжуб аралаш: “Бу қанақаси? Ахир, мен саккиз ойдан буён бу телефондан умуман фойдаланганим йўққу?” — дедим. Эвазига “Биз ҳеч нарсани билмаймиз. Хизматимиздан баҳраманд бўлишни истасангиз, қарзни тўлашингиз шарт, тамом-вассалом!” деган жавобни эшитдим.

Эҳтиром ила,

**Денов шаҳри, Фурқат кўчаси, 8-уйда яшовчи мухлисингиз А.ЖЎРАЕВ.**

* * *

### Расмий жавоб

А.Жўраевнинг “Халқ сўзи”га йўллаган шикоят хати “Ўзбектелеком Интернэшнл, А.О” қўшма корхонаси мутахассислари иштирокида тузилган комиссия томонидан жойида атрофлича ўрганилди. Маълум бўлишича, аризачининг 21-732 рақамли телефони, ҳақиқатан ҳам, 2000 йил 16 майдан 22 октябргача, 2001 йилнинг 11 январидан 14 мартигача, 2002 йилнинг 11 январидан 12 июнигача — жами 11 ой-у 10 кун ишламаган. Сабаби — дастлаб линия монтёрининг айби билан туманлараро “Моддий-техника таъминоти” базасининг 21-168 рақамли телефонига улаб қўйилган. У орқали тўғридан-тўғри шаҳарлараро ва халқаро алоқага чиқиш имконияти мавжудлиги боис база томонидан 9005 сўмлик шаҳарлараро сўзлашувлар амалга оширилган. Алоқачилар эса бу тўловни А.Жўраевдан ноўрин талаб қилишган.

Бинобарин, 2002 йил 14 июнидан бошлаб барча муаммо бартараф этилди. А.Жўраев телефонининг иш фаолияти тикланди. У узиб қўйилган кунлар учун абонентлик тўлов ҳақи қайта ҳисоб-китоб қилинди. Шикоятда келтирилган далиллар тасдиқлангани сабабли Денов тумани филиали деректори Б.Шоймардоновга ва техник директор А.Ўриновга, “Сурхондарётелеком” шуъба корхонаси маъмурияти буйруғига биноан, тегишли жазо чоралари кўрилди.

**Ҳ. МУҲИТДИНОВ,**
**“Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси Бош директори.**

JAPAN
Official Development Assistance

# "Let's study in Japan!"

## JAPANESE GRANT AID FOR HUMAN RESOURCE DEVELOPMENT SCHOLARSHIP (JDS) PROGRAM (2003-2004)

Japanese Grant Aid for Human Resource Development Scholarship (JDS) was established by the Government of Uzbekistan with the assistance of the Government of Japan for the Japanese fiscal year of 1999-2000.

The objective of JDS Program is to provide nationalities of Uzbekistan with opportunities for academic research at Japanese higher educational institutions (hereinafter referred to as "universities") in order to support the Government of Uzbekistan in its efforts to facilitate its own plans for human resource development, specifically for transition to market economy. And thereby it extends and enhances the bilateral relationship between Uzbekistan and Japan.

The JDS Program targets young government officers for public sector, researchers, business people and others with the potential to play leadership roles in their specialties after their return to Uzbekistan as well as to become leaders of Uzbekistan in the 21st century.

**1. QUALIFICATION AND REQUIREMENTS FOR APPLICANT**

(1) Nationality: Applicants must be citizens of Uzbekistan
(2) Age: Between the age of 22 and 35 years old (as of September 1, 2003)
(3) Number to be dispatched: at most twenty persons
(4) Academic background: Completed more than 15 years of school education, a Bachelor's degree holder
(Those who completed only 14 years education in total are required to be 22 years old by September 1st of 2003.)
(5) Study field: 1. Law
2. Public Policy and Administration
3. Economics
4. Business Management
5. Information and Telecommunication
6. International Relations
(6) Other background:
(a) All candidates are required to have more than 2-years work experience, recorded in Workbook.
(b) For those who are applying for the field of Law, it is necessary to have basic knowledge of Laws and a degree of Bachelor in Law.
(c) For those who are applying for the field of Business Management, more than 3 years of related work experiences, recorded in Workbook, are required.
* Consequently, applicants who graduated with excellent academic records in each subject are preferable.
** Especially, as for Information and Telecommunication, high-level knowledge of related fields is strongly needed. Background such as "Computer Systems and Network Engineering", "Multimedia Science and Arts" or "Info-telecom Socio-Economics, Network business and Policy" is necessary.
(7) Degree to be obtained: Master's degree (basically, 2-2.5 year-course)
(8) English Proficiency Level for Master's course in Japan: As for the language level, it depends on each field of each university and it is different. For details, see attached to the Application Form page "For your Information".
(9) The language, which is necessary to acquire Master's course in Japanese universities: English
(Even for those applicants who wish to obtain degree in English, minimum Japanese language knowledge will be required. Therefore, all selected JDS fellows have to attend preparatory Japanese training provided by JICE.)
(10) No applicants who are currently receiving (or scheduled to receive) another scholarship shall be eligible for selection.

**2. TENTATIVE SCHEDULE OF JDS PROGRAM**

(1) Time of commencement of preparatory Japanese training: Middle of April 2003 (Every weekday, full-time basis, in Tashkent)
(2) Time of leaving for Japan: End of June 2003

**3. APPLICATION PROCEDURE**

Applicants should submit the JDS's Application Form accompanied with necessary documents (detailed description is provided in "Application Procedure" enclosed to the Application Form) to JICE JDS Project Office. The Application Form will be available at the places below from September 9, 2002.

1. **Embassy of Japan in Uzbekistan**
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 1-28, Sadyk Azimov St., Tashkent
   - Tell its receptionist the purpose of your visit there
2. **JICA Uzbekistan Office**
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 5th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
   - Tell its receptionist the purpose of your visit there
3. **Uzbekistan-Japan Center for Human Development**
   - Mon. to Fri., 9:30 to 13:00 and 14:30 to 18:00
   - 6th floor, International Business Center, 107-B, Amir Temur St., Tashkent
   - Tell its receptionist the purpose of your visit there
4. **JICE JDS Project Office in Tashkent**
   - Mon. to Fri., 9:30 to 12:00 and 14:00 to 18:00
   - 24, Babur St., Tashkent
   - Tell its receptionist the purpose of your visit there
5. **Ministry of Higher and Secondary Specialized Education**
   - Mon. to Fri., 15:00 to 17:00
   - 5, Mustakillik St., Tashkent
   - Tell its receptionist the purpose of your visit there
6. **Ministry of Foreign Economic Relations of the Republic of Karakalpakistan – 96, Dostlik Guzari St., Nukus.**
7. **MFER of Andijan region - 126, A.Navoi St., Andijan**
8. **MFER of Bukhara region -1, Muminov St., Bukhara**
9. **MFER of Djizak region – 63, S.Rashidov St., Djizak**
10. **MFER of Kashkadarya region – 2, Mustakillik St., Karshi**
11. **MFER of Namangan region – 3, B.Mashraba St., Namangan**
12. **MFER of Navoi region – 77, Khalklar Dustligi St., Navoi**
13. **MFER of Samarkand region – 1, Kuk Saroi St., Samarkand**
14. **MFER of Surkhandarya region - 17a, F.Khodjaev St., Termez**
15. **MFER of Sirdarya region – 1, Alleya Geroev St., Gulistan**
16. **MFER of Fergana region – 53, Al Fargoniy St., Fergana**
17. **MFER of Khorezm region - 55a, Istiklol St., Urgench**
18. **Business Communications Center (BCC) Andijan – 57, 3, Shakirov St.**
19. **BCC Bukhara – 4, Promishlennaya St.**
20. **BCC Samarkand – 89A, Gagarina St.**
21. **BCC Termez – 11, R.Uzakova St.**
22. **BCC Khiva – 1, Jamoat Markazi**

**4. APPLICATION DEADLINE: AT 17:00 ON NOVEMBER 8, 2002**

Applications must be received by JICE JDS Project Office in Tashkent ONLY
1) 24, Babur St., Tashkent (Mon. to Fri., 9:30 to 12:00 and 14:00 to 18:00).
2) P.O.Box 345 (2, Amir Temur St., Tashkent, 700000, Uzbekistan (Central Post Office)
Applications received after the deadline will not be considered.

**5. FOR MORE INFORMATION, YOU CAN ACCESS TO INTERNET, THE FOLLOWING WEBSITE:**

From September 10, 2002
JDS Homepage – http://www.jds.uz

**Reference telephone (Monday to Friday, 14:00 to 17:00 until November 8, 2002)**
**139-15-60/ 152-75-02 (JICE JDS Project Office)**
**(We may not answer the details of scholarship itself, selection criteria and so on.)**

6400/2130

Лойиҳа

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

# АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово»

2002 йил

Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

ўз ваколатлари доирасида ахборот соҳасидаги таҳдидларга қарши ҳаракатлар қилиш, мавжуд давлат тузумини, Ўзбекистон Республикасининг ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, ҳокимиятни эгаллаб олишга ёхуд қонуний равишда сайлаб қўйилган ёки тайинланган ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлатишга ва давлат тузумига қарши бошқача тажовуз қилишга оммавий даъватлардан иборат ахборотни, шунингдек урушни ва зўравонликни, шафқатсизликни тарғиб қилишга, миллий, ирқий ва диний адоват уйғотишга, терроризм ва диний экстремизм ғояларини ёйишга қаратилган ахборотни тарқатишдан ҳимоя қилиш йўли билан таъминланади.

**16-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

* * *

***Қонун лойиҳасига доир таклиф ва мулоҳазаларни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Матбуот ва ахборот қўмитаси номига қуйидаги манзилга юборишингизни сўраймиз:***
***700035, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси.***
***Телефонлар: 139-86-95, 139-82-54, 139-85-62.***

12

Қирқиш чизиғи

Лойиҳа

*Ўзбекистон Республикасининг*

*ҚОНУНИ*

## АХБОРОТ ЭРКИНЛИГИ ПРИНЦИПЛАРИ ВА КАФОЛАТЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**1-модда. Ушбу Қонуннинг вазифалари**

Ушбу Қонун ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатларига риоя этилишини, ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, фойдаланиш ва сақлаш ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини, шунингдек ахборотнинг муҳофаза қилинишини ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлайди.

**2-модда. Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ахборот** – манбалари ва тақдим этилиш шакли-

3

бундай муносабат қатнашчиларининг Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги мажбуриятларни ижро этишига қаратилган бўлиб, шахс, жамият ва давлат манфаатларига риоя этилишига асосланади.

**13-модда. Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги**

Шахснинг ахборот борасидаги хавфсизлиги унинг шахсий хавфсизлигини ва шахсий ҳаётига тааллуқли сирларини сақлаш, руҳиятига ахборот воситасида салбий таъсир кўрсатилишидан ҳимоя этиш йўли билан таъминланади.

Жисмоний шахсларга тааллуқли шахсий маълумотлар махфий ахборот тоифасига киради.

Жисмоний шахснинг розилигисиз унинг шахсий ҳаётига тааллуқли ахборотни, шунингдек шахсий ва оилавий сирини, ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, почта, телеграф ва бошқа алоқа сирларини бузувчи ахборотни тўплашга, сақлашга, қайта ишлашга, тарқатишга ва ундан фойдаланишга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахслар тўғрисидаги ахборотдан уларга моддий зарар ва маънавий зиён етказиш, шунингдек уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилиш мақсадида фойдаланиш тақиқланади.

Хизмат ваколатларига мувофиқ фуқаролар тўғрисида ахборот олувчи, бундай ахборотга эгалик қилувчи ҳамда ундан фойдаланувчи юридик ва жисмоний шахслар ахборотдан фойдаланиш тартибини бузганлик учун қонунда назарда тутилган тарзда жавобгар бўладилар.

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаи-

10

Қирқиш чизиғи

лар учун мўлжалланган ҳужжатлаштирилган ахборот, босма, аудио, аудиовизуаль ҳамда бошқа турдаги хабарлар ва материаллар;

**ҳужжатлаштирилган ахборот** – идентификация қилиш имконини берувчи реквизитлари қўйилган ҳолда моддий жисмда қайд этилган ахборот.

**4-модда. Ахборот эркинлиги**

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ ахборотни монеликсиз излаш, олиш, текшириш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақлаш ҳуқуқига эга.

Ахборот олиш фақат қонунга мувофиқ ҳамда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, конституциявий тузум асослари, жамиятнинг ахлоқий қадриятлари, мамлакатнинг маънавий, маданий ва илмий салоҳиятини муҳофаза қилиш, миллий хавфсизликни таъминлаш мақсадида чекланиши мумкин.

**5-модда. Ахборот эркинлигининг асосий принциплари**

Очиқлик ва ошкоралик, ҳамма эркин фойдаланиши мумкинлиги ва ҳаққонийлик ахборот эркинлигининг асосий принципларидир.

**6-модда. Ахборотнинг очиқлиги ва ошкоралиги**

Ахборот очиқ ва ошкора бўлиши керак, махфий ахборот бундан мустасно.

Қуйидагиларнинг махфий ахборот жумласига киритилишига йўл қўйилмайди:

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, уларни рўёбга чиқариш тартиби тўғрисидаги, шунингдек давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мақомини белгиловчи қонун ҳужжатлари;

5

қонун ҳужжатларида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши лозим.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши керак.

Сўралаётган ахборотни тақдим этишни кечиктириш сўров берилган санадан эътиборан икки ойдан ортиб кетмаслиги лозим. Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабар сўров билан мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан бир ҳафта муддат ичида ёзма шаклда юборилади.

Тақдим этиш кечиктирилганлиги тўғрисидаги хабарда қуйидагилар кўрсатилиши керак:

сўралаётган ахборотни вақтида тақдим эта олмаслик сабаблари;

сўралаётган ахборот тақдим этиладиган сана.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, ахборот сўраб мурожаат этган шахсга сўров олинган санадан эътиборан беш кундан кечиктирмай бу ҳақда маълум қилиши шарт.

Мурожаат этувчининг сўровига биноан унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот бепул берилади. Бошқа ахборотни берганлик учун томонларнинг келишувига мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

Ахборот олиши қонунга хилоф равишда рад этилган шахслар, шунингдек ўз сўровига ҳаққоний бўлмаган ахборот олган шахслар ўзларига етказилган моддий зарар қонунда белгиланган тартибда қопланиши ёки маънавий зиён компенсация қилиниши ҳуқуқига эга.

8



*Санобар опа Ортиқова узоқ йиллар мактабда ўқувчиларга фан сирларини ўргатиб келди. Пенсияга чиққач эса уйда бекор ўтиришни ўзига эп кўрмади. Нуроталик момоларнинг қадимги анъанасини давом эттиришга аҳд қилди – сўзана тикишни йўлга қўйди. Ҳозирда опанинг 15 нафар шогирди бор. Ҳатто набиралари ҳам опанинг шогирдлари. У каштачилик сир-синоатларини ўргатишдан чарчамайди. «Сўзана бу – тарих. У узоқ ўтмишимиздан ҳикоя қилади. Аёлларимизнинг бахти, ташвиши ва айни чоғда сирлари яширин сўзанада», дейдилар онахон.*

**СУРАТДА: Санобар опа шогирди Наргиза Ҳушвақтова билан.**

**Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.**

Божхона бекати

# Эгри йўлнинг охири...

Вазирлар Маҳкамасининг «Жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудига товарлар олиб келинишини тартибга солиш тўғрисида»ги қарори жисмоний шахслар фаолияти учун қулай шароитлар яратади. Чунки қарорга мувофиқ божхона тўловларини ундиришнинг соддалаштирилган тартиби – ягона божхона тўлови тўлашни назарда тутади. Яратилган мазкур қулайлик юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилишига қарамасдан айрим мўмай пул топиш илинжида юрган шахслар томонидан ноқонуний ҳолларга йўл қўйилмоқда.

Тошкент вилояти божхона бошқармаси тезкор гуруҳи инспекторлари МХХ ходимлари билан ҳамкорликда айланма йўлларда текширув олиб боришлари жараёнида мана шундай ҳолатлардан бирини аниқладилар. Республикамиз фуқароси Носир Қорабоев «Газ-53» русумли автоуловда Қозоғистон Республикасидан мамлакатимиз ҳудудига нархи қарийб 17 миллион сўмлик 10 хил турдаги чет элда ишлаб чиқарилган аёллар ва эркаклар пойабзалларини ноқонуний йўл билан олиб келаётган чоғда қўлга олинди.

Ҳозир мазкур ҳолат юзасидан суриштирув ишлари олиб борилмоқда.

